

# **Ер мониторинги, уни юритиш тартиби. Ер мониторинги маълумотларидан фойдаланиш.**

## **Режа:**

- 1. Ер мониторинги тушунчаси ва унинг асосий вазифалари.**
- 2. Ер мониторингини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.**
- 3. Ер мониторинги маълумотларидан фойдаланиш.**

**Ер мониторинги** - бу термин табиий объектларга нисбатан расман 1972 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг табиатни муҳофаза қилиш бўйича ўтказилган Стокгольм конференциясида илк бор ишлатилди. Ер мониторинги Ўзбекистон қонунчилигида биринчи бор 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ер кодексининг 14-моддасида акс эттирилди.

# 1. Ер мониторинги тушунчаси ва унинг асосий вазифалари.

**Ер мониторинги** – ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларни олдини олиш ва оқибатларни тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат. (Ер кодексининг 14-моддаси).

Давлат ер кадастрини юритиш, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Ер мониторингини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**«Мониторинг»** сўзи лотинча бўлиб «monitor» яъни «кўзатувчи», «кўзда тутувчи» маъноларини англатади. Ер атроф-муҳитнинг муҳим таркиби сифатида ўзининг кенглик, рельеф, иқлим, тупроқ қатлами, ўсимликлари ер ости бойликлари, сувлари билан тавсифланганлиги ҳолда қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси, шунингдек халқ хўжалигининг барча тармоқларини жойлаштиришнинг кенглик асоси бўлганлиги сабабли ер мойдонларини ўрганиш масалалари ягона давлат ёндошувини талаб қилади. Бу эса ўз навбатида уни тизимли ҳамда мажмуали тарзда кўзатувлар асосида амалга оширилиши зарур.

Ер мониторингининг таркиби маълум маъмурий–худудий бирликлар асосида аниқланади.

**Республикамизда ер мониторинги қуйидаги маъмурий-худудий бирликлар бўйича юритилади.**

- Ўзбекистон Республикасининг ер мониторинги;
- Қорақалпоғистон Республикаси ер мониторинги;
- Маъмурий вилоятлар ер мониторинги;
- Маъмурий туманлар ва шаҳарлар мониторинги;

**Ҳар бир маъмурий-худудий бирлик бўйича ер мониторинги қуйидаги кичик тизимларга эга:**

- қишлоқ хўжалик ерлари мониторинги;
- аҳоли пунктлари ерлари мониторинги;
- саноат, транспорт, алоқа, мудофа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар мониторинги ;
- табиатни муҳофаза қилиш, соғламлаштириш, тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ерлар мониторинги;
- ўрмон фонди ерлар мониторинги;
- сув фонди ерлар мониторинги;
- заҳира ерлар мониторинги.

Ер мониторинги ягона атроф табиий муҳит мониторинги тизимида турувчи ва унинг мустақил объекти сифатида қаралувчи ҳамда давлатнинг махсус ваколатланган органлари томонидан олиб борилувчи тадбирдир.

Ер тоифалари ва ер участкаларининг ҳуқуқий ҳолати, фойдаланиш мақсади ва характеридан қатий назар ер мониторинги объекти бўлиб Ўзбекистон Республикасининг бутун ер фонди ва унинг маълум бир қисмлари бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам у Ер кодексида ажратилган саккиз тоифадаги барча ерлар учун алоҳида қўлланилади.

## **Ер мониторингини мақсади, вазифалари ва мазмуни**

**Ер мониторингини мақсади – ер фондини қонун талабларида белгиланган тарзда муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишда давлат назоратини олиб бориш, ўз вақтида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга баҳо бериш, таабий ва антропоген характердаги ерларга салбий таъсир этувчи жараёнлани орлдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора – тадбирларини тавсия этиш.**

## Ер мониторингининг асосий вазифалари қўидагилардан иборат:

- Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофазалашнинг давлат бошқарувини ташкиллаштириш;
- Ер фонди ҳолатининг маълум бир даврларда ўзгариб боришини аниқлаш учун кузатув тизимини ташкиллаштириш ва олиб бориш орқали уни баҳолаш, башоратлаш ҳамда салбий оқибатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чора тадбирларни тавсиялаш;
- Давлат ер кадастри, ердан фойдаланиш, ер тузиш, давлат ер назоратини олиб бориш каби функционал вазифаларни бажариш.

Ушбу вазифаларни бажариш учун ерлар маълум бир узатиш майдонлариги ажратилади, сўнгра улардан олинган маълумотларни умумлаштириш орқали ягона республика ер фондининг мониторинги аниқланади.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 496-сон қарорига асосан (28.02.2003 й.; 14.04.2004 й.; 19.10.2004 йилларда ўзгартиришлар киритилган) “Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисида”ги Низом қабул қилинган. Ушбу Низомда кўрсатилишича, муддатлари ва даврийлигига кўра ерларнинг ҳолатини учта гуруҳда кузатишлар амалга оширилади:

базавий (ер мониторингини юритишнинг дастлабки босқичида кузатиш объектларининг ҳақиқий ҳолатини қайд этувчи бошланғич) кузатишлар;  
даврий (йиллик ва табиий тусдаги даврлар бўйича) кузатишлар;  
тезкор (жорий ўзгаришларни қайд қилувчи), бир йилдан кам оралиқ даврда мунтазам ёки бирйўла бажариладиган кузатишлар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ерларнинг базавий ва даврий мониторинги - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари томонидан юритилади.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва жисмоний шахслар ер мониторинги маълумотларидан белгиланган тартибда ҳақ тўлаган ҳолда фойдаланадилар.

Ер мониторингини юритиш бўйича ишлар давлат бюджети маблаҳлари ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистонда ер мониторинги “ДавЕргеодезкадастр” қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Архитектура ва шаҳарсозлик давлат қўмитаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар иштирокида олиб борилади. “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси эса ушбу вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофтиқлаштиради ва ер мониторингига оид маълумотларни умумлаштиради.

Ер мониторингига олиб бориш давлат дастурлари асосида ягона илмий тасдиқланган ва тажрибада синаб кўрилган методик усулда амалга оширилади.